

# “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент кимё-технология институти

Шаҳрисабз филиали Директори  
Муталов Ш.А.

2022 йи



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Тошкент кимё-технология институти

Шаҳрисабз филиалига қуйидаги махсулотларни олиш.

#### 1.2. Танловга қуйилаётган товарлар:

№	ТМЗ лар рўйхати	Ўлчов бирлиги	нархи	сони	суммаси
1	Профнастил туника Т 4,5	м	115000	520	59800000
2	Профнастил (конкей)	м	33000	90	2970000
3	Профнастил (латок)	м	32000	90	2880000
4	Профнастил (қор қайтаргич)	м	28000	90	2520000
5	Профил Гипсокартон Т 3,5 4-метрлик	м	14500	2550	36975000
6	(Сетка нержавеющей) сетка 3 кв лик 10x10 калетка Т 4 лик	м2	13000	550	7150000
7	Прутки холоднотянутые из нелегированных сталей 12 лик	м	18000	450	8100000
8	метал профиль 4x4 лик Т-5	м	56000	380	21280000
9	Металлозаготовки из уголка 6x6 10 метрлик	М	760000	45	34200000
10	профил (6 метрлик) ПВХ учун	м	40000	1350	54000000
11	метал ПВХ учун 6 метрлик	м	14700	550	8085000
<b>Жами</b>		<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>237 960 000</b>

жами **237 960 000**(икки юз уттиз етти миллион туккиз юз олтмиш минг ) сум.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

2.Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб топилган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 . Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиали (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) —танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили:, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар Шаҳрисабз 20 уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиали «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:

1) Бажарувчи корхона таклиф билан бирга корхона ретинги, корхона гувоҳномаси, раҳбарнинг буйруғидан кўчирма, раҳбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши лозим. Махсулот

2) Ҳисоб рақамида объект қийматининг 30% миқдориди маблағ мавжудлиги тўғрисида банкдан тасдиқланган маълумот ҳамда товарларга 2 йиллик қафолат. Агар шу муддат ичида нуқсон чиқса ўрнига тенг миқдорда етказиб берувчи ҳисобидан сифатлисига алмаштирилади.

3) Банк қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси булса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодди маълумот ва инсофсиз иштирокчилар рўйхатида бор-йўклиги тўғрисида маълумот ҳамда НДС туловчи тўғрисида гувоҳнома бўлса тақдим қилиши;

4) Охириги йил ичида ва х/р айланмасида шу ва шунга ўхшаш товарлар олди сотди билан ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги ( баланси, ДТ/КТ, Ф-2. сч (**фактура** )

3.3. Агар танлов предменти бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3 Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- Техник таклиф, Фирмени бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

- Техник хужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши лозим.

4.4 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ёлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ёлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга

узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.


7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.

### Комиссия раиси:

Сирожов Бурхон Шодиевич



### Аъзолари;

Аманова Дилафруз Хасановна



Маликов Абдухалим



Обидов Элбек Эркинович



Хуррамов Ғиёс Ёқуб Ўғли

